

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (2025 йил январь-ноябрь ойи)

1. Саноат маҳсулотлари

2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида республика корхоналари томонидан **963 346,0** млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **106,8** % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши 85,6 % ни, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати 7,2 % ни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 6,6 % ни, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш 0,6 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш ўсишининг асосий омили бўлиб ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати 5,9 % га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида 9,2 % га ошганлиги электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатида 3,6 % га.

Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кийим маҳсулотлари ишлаб чиқариш (2024 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 24,3 % га ошган), бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (21,4 % га), резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш (16,1 %) ҳажми ошди, озиқ-овқат ишлаб чиқариш (7,9 % га).

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш (2024 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 81,6 %), кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш (2024 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан 92,7 %) ҳажми пасайиши кузатилди.

2. Инфляция даражаси

Республикада 2025 йил ноябрь ойида истеъмол секторидаги инфляция даражасини акс эттирувчи истеъмол нархлари индекси (ИНИ) 2024 йил декабрига нисбатан **106,4** % ни ташкил этди.

Шу давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ИНИ 104,0 % ни, ноозиқ-овқат маҳсулотлар бўйича 104,9 % ни, хизматлар бўйича эса 113,1 % ни ташкил этди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгаришлари ҳисобига умумий ИНИ 2024 йил декабрига нисбатан 1,82 фоиз даражасида юқорилади (ф.д.). Ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархларининг ошиши йиғма ИНИга 1,55 ф.д., хизматлар 2,98 ф.д. таъсир этди.

2024 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси 116,8 % (“Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”), қуйи

чегараси – 98,8 % га (“Суғурталаш ва молиявий хизматлар”) етди.

2025 йилнинг январь-ноябрь ойлари учун ИНИ ўсишига энг катта таъсир бу “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар”, “Транспорт”, “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” ва “Соғлиқни сақлаш” бўлимларидаги нархлар ва тарифларнинг ўзгаришида бўлди (+5,37 ф.д., ёки умумий ўсишнинг 84,6 % и).

3. Қурилиш ишлари

2025 йилнинг январь-ноябрь ойида **273 276,2** млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати **114,6** % ни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмининг 66837,3 млрд. сўми ёки 24,5 % йирик корхона ва ташкилотлар, 136 574,1 млрд. сўми ёки 50,0 % кичик корхоналар ва микрофирмалар, 69 864,8 млрд. сўми ёки 25,5 % норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.

4. Чакана савдо товар айланмаси

2025 йилнинг январь-ноябрь ойида чакана савдо товар айланмаси **402 952,4** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **11,2** % га ўсди.

Йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми 2024 йилнинг январь-ноябрь ойига нисбатан 20,6 % га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг 18,0 % улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2024 йилнинг январь-ноябрь ойига нисбатан 9,2 % га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 72,4 % ни, шундан уюлмаган савдо товар айланмаси 8,9 % улуш билан 38 519,4 млрд. сўмни ташкил этди.

5. Ташқи савдо айланмаси

2025 йилнинг январь-ноябрь ойи якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **72 780,2** млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **13 018,4** млн. АҚШ долларига ёки **21,8** % га кўпайди. Экспорт ҳажми **30 894,8** млн. АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **26,2** % га кўпайди. Импорт **41 885,4** млн. АҚШ долларига етди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **18,7** % га ўсди.

Экспорт таркибида қуйидаги гуруҳларда ўсиш кузатилди, жумладан: озиқ-овқат ва тирик ҳайвонлар 36,2% (714,5 млн. АҚШ долл.)га, ҳар хил тайёр маҳсулотлар 52,9% (535,3 млн. АҚШ долл.)га, кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар 19,2% (299,9 млн. АҚШ долл.)га, минерал ёқилғи, мойлаш материаллари ва шунга ўхшаш материаллар 13,7% (167,3 млн. АҚШ долл.)га.

Импорт таркибида қуйидаги гуруҳларда ҳам ўсиш кузатилди, жумладан: машина ва транспорт ускуналари—15,0% (1 833,8 млн. АҚШ долл.)га,

саноат маҳсулотлари 18,8 % (1 038,8 млн. АҚШ долл.)га, кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар 19,1 % (819,2 млн. АҚШ долл.)га, озиқ-овқат ва тирик ҳайвонлар 20,0 % (667,7 млн. АҚШ долл.)га тўғри келади.

6. Кўрсатилган бозор хизматлари

2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **915 971,1** млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **14,6** % га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг 23,7 % га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири 3,9 фоиз пункт), транспорт хизматлари 12,9 % га (ўсишдаги таъсири 2,4 фоиз пункт), савдо хизматлари 13,3 % га (ўсишдаги таъсири 2,4 фоиз пункт), яшаш ва овқатланиш хизматлари 9,3 % га (ўсишдаги таъсири 1,9 фоиз пункт) алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 22,6 % га (ўсишдаги таъсири 1,6 фоиз пункт) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми яшаш ва овқатланиш (187 977,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,3 % га етди), транспорт хизматлари (168 422,0 млрд. сўм, 112,9 %), савдо хизматлари (158 876,9 млрд. сўм, 113,3 %) ва молиявий хизматлар (153 470,9 млрд. сўм, 123,7 %)га тўғри келади.

7. Корхона ва ташкилотлар сони

2025 йил 1 декабрь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **471,7** мингтани (*фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари*) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар 401,5 мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (108 004 та), Тошкент (45 974 та), Самарқанд (40 672 та), Фарғона (37 841 та), Қашқадарё (30 226 та), Бухоро (28 741 та) ва Наманган (26 909 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – 153 092 та, саноат соҳасида – 59 325 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида – 34 494 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – 30 191 та ҳамда қурилиш соҳасида – 30 107 тани ташкил этади.

2025 йил январь-ноябрь ойларида республикада 80,5 мингта корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан кичик корхона ва микрофирмалар сони 76,1 мингтани ташкил этди.

2025 йил 1 декабрь ҳолатига кўра республикада хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 17 900 тани ташкил этди. Улардан 4 228 таси қўшма корхоналарни ва 13 672 таси хорижий корхоналарни ташкил этган.